



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (11.715)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов 8 август куни Оқсаройда
Япония ташқи ишлар вазири Кацуя
Окадани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги ҳолати ва турли соҳалардаги ривожланиш даражасидан мамнун эканини билдирди. — Бизнинг ҳозирги муносабатларимиз даражаси ва характери 2002 йилда имзоланган «Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги қўшма ҳужжатга, шунингдек, Япониянинг бугунги дунё иқтисодиёти ва сиёсатида тугган алоҳида ўрнига ҳам мос келади, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бугун Япония мамлакатимизнинг вақт синовидан ўтган шерикларидан ҳисобланади. Унинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган сармоялари ҳақми 2,3 миллиард АҚШ долларидан ортади. 2009 йилдан амал қила бошлаган «Сармояларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳуқуқматлараро битим йирик япон сармояларининг Ўзбекистон бозоридаги фаоллигини янги босқичга кўтарди. Масалан, «Мицубиси» корпорацияси мамлакатимиз кимё саноатидаги қатор корхоналарни модернизация қилишда иштирок этмоқда, «Ўзавтосаноат» компанияси мутахассислари «СамАвто» заводида Япониянинг «Иточу» концерни вакиллари билан биргаликда янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, «Мицуи» корпорацияси «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва мультимодаль логистика марказини барпо этишда фаоллик кўрсатмоқда, шунингдек, «Сумитомо» компанияси билан юқори технологиялар соҳасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) раҳбарияти Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган 43-йиллик мажлисидаги иштироки мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати билан Қашқадарё вилоятидаги Таллимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш лойиҳаси бўйича қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг битимни имзолади. Бу Ўзбекистон — Япония алоқалари нечоғли мустаҳкам эканини яна бир бор тасдиқлади.

Минтақада мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик доирасида «Марказий Осиё + Япония» мулоқот механизми амал қилмоқда. Шу кунларда аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликка оид масалалар диққат марказида бўлди.

Оқсаройдаги учрашувда Кацуя Окада қабул учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб бораётган ҳар томонлама оқилона ва конструктив сиёсатини юқори баҳолади.

Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

«Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида
Тошкентда ташқи ишлар вазирларининг учинчи
кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окада, Қозоғистон Республикаси давлат котиби — ташқи ишлар вазири Канат Саудабаев, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳамроҳон Зарифий ва Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Султон Пирмухамедов иштирок этди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

Учрашувда ташқи ишлар вазирларининг 2006 йил Токиода бўлиб ўтган иккинчи кенгашида қабул қилинган «Ҳаракат дастури» ижроси сарҳисоб қилинди. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиётни таъмин-

лаш масалаларини муҳокама қилдилар. Япония ҳамкорлигида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Кенгаш қатнашчилари минтақамизда терроризм, экстремизм ва наркотрафик каби таҳдидларни бартараф этиш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди. Давлат чегараларини назорат қилиш самарадорлигини ошириш, Марказий Осиё мамлакатлари ва Япониянинг салоҳият хамда имкониятларидан фойдаланиб, Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда иштирок этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 314-мактабда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан таълим сифатини ошириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

✓ **СЕРГЕЛИ** тумани ҳокимлигида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Янгиобод» гузарига «Маҳалла куни» тадбири уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** ИИВ маданият саройида ички ишлар хизмати ходимлари иштирокида ўтказилган «Маънавият дarsi» тадбири юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2010 йил — Баркамол авлод йили

БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Республикамизда янги 2010-2011 ўқув йилига пухта
ҳозирлик кўрилмоқда. Ушбу йўналишда пойтахтимизда
ўтказилаётган кўплаб тадбирлар таълим муассасаларини
ўқув анжомлари, услубий қўлланмалар билан тўлиқ
таъминлашга қаратилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлда қабул қилинган «2010-2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этаётди.

Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда шаҳримиз туманларида, деҳқон ва буюм бозорлари тасарруфида мактаб ярмаркалари ташкил этилиб, ўқув куроллари, дарсликлар, кийим-кечаклар савдоси йўлга қўйилган.

Мактаб ярмаркаларида «Ўзулгуржи-савдоинвест» ҳудудий савдо мажмуалари, «Матлуботсавдо», «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, барча наشريётлар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун махсус кийимлар, шунингдек пойабзаллар сотилмоқда. Маҳсулотлар сифати бўйича хорижикидан қолишмайди, ота-оналарнинг билдираётган қизиқиши бунга тасдиқламоқда.

«Фарҳод бозори» ҳудудидида ташкил қилинган мактаб ярмаркасида ҳам юздан ортиқ турдаги ўқув анжомлари ва мактаб формалари сотилмоқда. Нархлари нисбатан анча арзон, сифати ҳам яхши, — дейди Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида истикомат қилувчи Ақида Назирова. — Уч нафар фарзандим мактаб ўқувчиси, уларга айнан шу ердан барча кераклик ўқув анжомларини харид қилдим. «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган «Китобим-офтобим» китоби менга жуда манзур бўлди. Бу китоб болаларимизнинг маънавий дунёсининг кенгайишида, фикрлаш қобилиятини чархлашда му-

ҳим аҳамиятга эга бўлади, деб умид қиламан.

— Дарҳақиқат, мактаб ярмаркаларида савдога чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли, арзон бўлиши, кўриниши ва безаклари, хусусан, ёзув дафтарларининг муқоваси миллий қадриятларимизга, халқимизнинг ахлоқий қарашлари ва маънавиятига мос бўлишига жиддий эътибор берилмоқда, — дейди «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодиёт уйининг бош муҳаррири Покиза Аъзамова. — Бизнинг нашриётимизда мактаблар учун 70 номдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, дафтар, альбомлар чоп этилади. «Китобим-офтобим», «Буюк сиймолар» каби китоблар ҳақиқатан ҳам ўқувчилар маънавий дунёсини бойитиб, ақлини чархлайди, миллий қадриятларимизни қадрлашга қорлайди. Нашриётимизда китобларнинг сифати, дизайни, матни ва расмларнинг мослигига ҳамда тили соддалигига ва раванлигига муҳим аҳамият қаратилади. 75 йиллик таърибага эга нашриётимиз ёш авлод билimini мустаҳкамлашда, онг ва тафаккурини шакллантириш ва теранлаштиришда самарали хизмат қилаётганидан мамнунимиз.

Санокли кунлардан сўнг барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланади. Айни пайтда ўқувчи-ёшлар ота-оналари билан биргаликда машғулотлар учун ўқув куроллари, мактаб формалари харид қилишга ошқмоқда. Бу борада мактаб бозорлари замон талабларига мосларини танлаб олишда қулай имкониятларни яратиб бермоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бундай ярмаркалар аввало аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган.

Гулчехра ДУРДИЕВА

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилояти ҳокимлигида шу йил 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари томонидан ташкил этилган «Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида қоракалпоғистонлик мусаввирларнинг ижод намуналаридан ташкил топган «Хур ўлка ранглари» мавзусида бадиий кўргазма очилди.

● Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида ўзбек жанг санъати бўйича юртимиз истиклолининг 19 йиллигига бағишланган «Мустақиллик кубоги» республика турнири бўлиб ўтди.

● Нуротадаги «Нурмуҳлис Завқи» хусусий корхонаси сутни қайта ишлайдиган янги технологик линияни ишга туширди. Тадбиркор Нурмат Аҳмедов ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағи ҳамда кредит маблағидан самарали фойдаланди. Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда бир тоннагача сут қайта ишланиб, қатик, творог, қаймоқ сингари ўндан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, худуддаги болалар боғчаларига етказиб берилмоқда.

● Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиалига «Болага дўстона муносабатдаги шифохона» халқаро сертификати топширилди. Жамоа Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигидаги «Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасидаги амалий, илмий ишлари боис бу шарафга муяссар бўлди.

● Марғилон шаҳридаги «Orchah ev textil» хорижий корхонасида йилга 8 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга янги линия ишга туширилди.

● Пахтакор туманидаги «Навбахор» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидида намунавий лойиҳалар асосида иккита дала шийпони куриб битказилди. «Абдулла-Мутал» ҳамда «Бекзод-Р» фермер хўжаликлари ишчи-хизматчилари фойдаланаётган янги дала шийпониди уларнинг ҳордиқ чиқаришлари, маданий дам олишлари, бўш пайтларини мазмунли ўтказишлари учун зарур шароитлар яратилган.

ЖАҲОНДА

● Покистон маъмурлари кенг қўламли сув тошқинлари оқибатларини бартараф этиш юзасидан халқаро ҳамжамиятдан ёрдам сўради. БМТ Покистонга ёрдам кўрсатиш мақсадида инсонпарварлик қаҳриги билан чиқишни кўзда тутмоқда. БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг сўзларига кўра сув тошқинлари оқибатларини тугатиш учун бир неча юз миллионлаб доллар сарфланиши керак.

● Руандада кеча президент сайлови бўлиб ўтди. Ҳозирда 15 мингдан ортиқ сайлов участкаларида берилган овозларни ҳисоблаш ишлари кетмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра амалдаги давлат раҳбари, бошқарувчи партиядан кўрсатилган номзод Пол Кагама сайловларда голиб чиққан.

● Кеча Ливандаги «Хезболла» ташкилоти етакчиси шайх Амир Насрулла ўтказилган матбуот анжуманида берилган овозларни ҳисоблаш ишлари кетмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра амалдаги давлат раҳбари, бошқарувчи партиядан кўрсатилган номзод Пол Кагама сайловларда голиб чиққан.

● Кеча Польша пойтахти Варшавадаги президент саройи олдида оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Намойишчилар Курбонлари хотираси учун шу ерга ўрнатилган тахта крестнинг кўчирилишига нисбатан норозилик билдирмоқдалар.

● Сув спорти турлари бўйича Будапештда ўтказилаётган Европа чемпионатида синхрон сузиш бўйича барча олтин нишонлар россиялик спортчиларга насиб этди.

● АҚШ мудофаа вазири Роберт Гейтс соҳага сарфланадиган маблағларни тежаш мақсадида беш минг кишидан иборат битта қўмондонликни қисқартиришга қарор қилди.

ТАДБИРКОР

Жорий йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилганлиги тадбиркорларимизнинг соҳа ривожидagi изланишлари янада самарали бўлиши, масъулият билан ташаббус кўрсатишлари лозимлигини англатади.

Бу борада уларга имкониятлар берилмоқда, шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу боис ҳам кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар сафи йил сайин ўсиб, сифатли маҳсулотлар тайёрлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратишдаги ҳиссаси салмоғи ҳам ортмоқда. Уларнинг ички ва ташқи бозорни мукамал ўрганган ҳолда рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этаётгани истеъмолчилар талабини қондиришда, экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Рокья Хабиалиева «Niso Tekstil» хусусий фирмасининг раҳбари. Ўтган йиллар мобайнида у ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлади. Асосий мақсади йўлида ташаббус кўрсатишдан, ўрганишдан чарчамагани боис ҳам айни пайтда фирма маҳсулотлари хориж товарларидан асло қилинмади. Тикилиш сифатида ҳам, бежирим ўралишида ҳам маҳорат намоён бўлиб, харидорларни жалб этиб келаятгани билан эътиборлидир.

Ҳозирда чеварлар томонидан тикилаётган болалар кийим-кечаклари тури 250 хилдан ортди. Бу бо-

рада тадбиркор жамоа аҳлига юқори унумли даст-гоҳлар ва илгор технологиялар қўл келмоқда. Чақалоклар учун турли хил қишки ҳамда ёғи тўпламлар, уч ёшгача бўлган кичкинтойлар учун кийим-кечаклар

Бугунги кунда 40 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган корхона Бектемир туманидаги замонавий икки қаватли бинода фаолият кўрсатмоқда. Барча бичув ва тикув цехлари замонавий машина ва ускуналар билан жиҳозланган. Тадбиркор аёл ўз маҳсулотлари билан мамлакатимизда ўтказилаётган танлов ва ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Шу боис ҳам буюртмачилар сафи ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб бормоқда.

Рокья Хабиалиева чет давлатларида бўлганида, ҳамisha ҳамкорлар билан тажриба алмашади. Ана шу асосда тайёрланган маҳсулотлар корхонанинг фирма дўконларида сотилиши баробарида, қўшни давлатларга ҳам буюртма асосида етказиб берилаяпти.

Имкониятлардан самарали фойдаланётган тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятида. Янги цехлар очиб, уларни энг унумли тикув машиналари билан жиҳозлаш, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар билан харидорларни мамнун этиш асосий эзгу ниятлар сирасидандир.

Шарифа ИЛЁСОВА

Хусусий тадбиркорлик СИФАТИ ВА САЛМОҒИ ОРТМОҚДА

Туркия, Хитой давлатларидан импорт қилинаётган худди шундай товарлар билан рақобатлашиши баробарида улардан бирмунча арзондир. Яна бир муҳим жиҳати хусусида айтиш жоизки, тайёр кийимлар 100 фоиз пахта матолари асосида ишлаб чиқарилмоқда. Бундай матолар республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналардан олинди ва йил сайин улар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамлашиб бормоқда.



Мустақиллик — тақдиримда ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАМОҚДА

Камалиддин РАҲИМОВ, хунарманд, «Ташаббус-2010» кўрик-танлови республика босқичи ғолиби:

— Мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини мен ўз ҳаётим ва фаолиятимда яққол кўрдим. Истиқлол туйғайли биз, ёшларга имкониятлар эшиги кенг очилдики, ҳам маънан, ҳам жисмонан коммуналликка эришиш, билим олиш, етук мутахассис бўлиш, касб-хунар эгаллаш учун барча шароитлар мўжайиб. Энг асосийси ота-болаларимизга муносиб ворис бўлиш учун ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мустақиллигим мустаҳкамлаш йўлида Ватанга садоқат билан хизмат қилишга интилиш, миллий қадриятларимиз, шарҳона урф-одатларимизни эъзозлаш, эл-юрт фаровонлигига муносиб хисса қўшишимиз лозимдир.

Бежизга интилганга толе ёр, дейишмайди. Чиндан ҳам бугунги мустақиллик неъматлари-

дан баҳраманд бўлаётган кунларимизда бу ибора ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Отам дурадгорлик билан шуғулланганига боис болалигимдан шу хунарга меҳр қўйдим. Уларга қўлимдан келганча ёрдамлашардим. Кейинчалик бу қизиқиб мени ҳақиқий хунар эгаси бўлишга ундади. Тугаракка аъзо бўлиб, устозимиз Эргаш Алиевдан ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини ўргандим. Мактабни битиргач, назарий билимларимни мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университетининг бадиий графика факультетига тахсил олдим. Буларнинг барчаси ижодий фаолиятимда муҳим аҳамият касб этди.

Шу нарсага алоҳида таъкидлашим лозимки, ота-болалари-

мизнинг эзгу нияти бўлган Истиқлолга эришдик. Бу биз учун улкан бахт, катта шараф. Мен шундан гуруланаманки, мустақил Ўзбекистонимизда биз, ёшлар учун барча шарт-шароитлар мўжайиб. Ўтган йилларда хунармандчилик ривожига қаратилган эътибор, хусусий тадбиркорликка очилган кенг йўл, имтиёз ва ҳуқуқий химоя хунар аҳлини ҳам мақсад йўлида дадил одимлашга, миллий хунармандчилигимиз доврғини оламага ёйишга, аждодларга муносиб ворис бўлишга ундади.

Мустақиллик байрами яқинлашгани сари кўнглим фаҳрга тўлади ва ҳар йилги ишларимни сарҳисоб қилман, шуқўли айёмни муносиб кутиб олишга интиланман. Истиқлол шарофати билан ўз хунарим намойишини фақатгина юртимизда эмас, хорижий давлатларда ҳам кўрсатишга муваффақ бўлаётганимдан фахрланаман. Ёғоч ўймакорлиги жозибалари акс этган маҳсулотларим Англия, Италия, Франция, Германия, Греция сингари дав-

латларда ўтказилган халқаро ярмаркаларда эътирофга сазовор бўлди.

Мустақилликнинг 19 йиллик айёмини ўзига хос ютуқ билан кутиб олаётганимдан бениҳоя мамнунман. Баркамол авлод йўлида тадбиркор ва хунармандларни янги-янги изланишларга ундаётган, эл-юрт олқишига сазовор этаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритдим.

Муваффақият ва рағбат мени янги-янги изланишларга ундамоқда. Шу кунга қадар 30 дан зиёд ёшларга хунар сирларини ўргатиб келмоқдаман. Эзгу мақсадларим жуда кўп. Энг асосийси аждодларимиз меросини давом эттирган ҳолда ёғоч ўймакорлигини ижодий ривожлантириш, бетақорор маҳсулотларни яратишдир. Айни пайтда уч қаватли навада услубини қайта тиклаш ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган Аҳмад Ясавий мақбараси олд эшикларини нухсалангани яна тиклашга бел боғланман. Бунинг учун устозлар билан ўрганган маҳоратимни ишга соламан. Албатта, Энг азиз, энг улуг байрамга тўхфа ҳам тайёрламоқдаман.

Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, бозор ва харидор талабларига мос, сифатли ҳамда бирмунча арзон маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш яхши самара бермоқда. Ушбу саъй-ҳаракатнинг амлакатимиз иқтисодиёти ривожидagi ҳиссаси салмоқли, албатта.

Кичик бизнес БУЮРТМАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

Бугунги кунда юртимиз мебелсозлари томонидан тайёрланаётган замонавий дизайнга эга бўлган маҳсулотлар харидорлар талаб ва эҳтиёжини қондиришда, бу борада тадбиркорларимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорни тинмай ўрганаётгани кутилган натижани бермоқда.

«Dil Baxt» масъулияти чекланган жамияти ҳам кичик бизнес ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, изланган ҳолда имкон топаётган корхоналар сирасига қиради. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган мебель тўпламлари сифати ва кўриниши билан харидорни жалб эта олади. Идора, ётоқхона, меҳмонхона ва ошхона мебель тўпламлари яқка тартибдаги буюртмаларга кўра тайёрланиб, талабга кўра ўрнатиб ҳам берилди.

— Ўтган йилда 12 кишилик жамоамиз аъзолари меҳнати билан 200 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, 30 миллион сўм фойда кўрдик, — дейди корхона директори Бахтиёр Шокиров. — Солиқ тўловларини ҳам ўз вақтида бажариб келаямиз. Бундан ташқари, мавсумда буюртмаларимиз кўпайгани сари қўшимча иш ўринлари яратаямиз. Асосан ёшларни касб-хунарга жалб этмоқдамиз. Ўтган йилда мамлакатимизда касб-хунар таълими соҳасида олиб борилаётган ислохотларга муносиб хисса қўшиб, Собир Раҳимов туманидаги ва Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги касб-хунар коллежлари учун мебел жихозлари тайёрлаб бердик. Ҳозирда яна шу йўналиш бўйича ишлаб, Қўйи Чирчиқ туманида қад рўстлаётган касб-хунар коллежга мебеллар етказиб бериш саъй-ҳаракатимиз. Бу борада малакали дизайнер ҳамда мебелсозларимиз маҳорат билан меҳнат қилишмоқда.

Корхонада ўқув юртларига мўлжалланган мебелларнинг қўлпа турлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Жорий йилда ошхона ва болаларга мўлжалланган мебель тўпламларининг янги дизайндаги турлари харидорларга етказиб берилди. Маҳсулотларнинг 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани таннархи арзонлашувида аҳамият касб этмоқда.

Келгуси режалар хусусида тўхталиш жоиз бўлса, мутасаддилар хорижий шериклар билан ишлаб, корхонани кенгайтиришни, замонавий дастгоҳ ҳамда технологик линиялар ўрнатиб, янги мебель тўпламлари билан харидорларни хушнуд этишни ният қилмоқда. Россиялик шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бу борада айни кунларда музокара олиб боришмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кенгаш иштирокчилари халқаро ядровий қуролсизланиш ва оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик ғояларига содиқ эканини, минтақамизда ядровий хавфсизликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Япония томони мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Марказий Осиёда ядро қуролдан ҳоли худуд яратиш тўғрисидаги шартнома 2009 йилда минтақамизнинг барча мамлакатлари томонидан ратификация қилингани билан қўлади.

Оролбўйи минтақасини экологик реабилитация қилиш, сув-энергетика захиралари ва транспорт коммуникациялардан унумли фойдаланиш, тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш ва кенг тарқатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қатнашчиларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, бу борада замонавий транспорт-коммуникация тармоқларини барпо этиш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида янги ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ва мавжудларини модернизация қилиш, экология, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифалардандир. Уларни бажаришда Япониянинг тажриба ва имкониятлари муҳим аҳамиятга эга. Бу мақсадларнинг рўёбга чиқарилиши минтақадagi барча мамлакатларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Япония томони Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Япония-Марказий Осиё иқтисодий форумини ўтказиш таклифини илгари сурди. Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллади.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт

Янги ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиб

Ички бозорнинг сифатли маҳсулотлар билан тобора тўлдириб борилаётгани ҳамшаҳарларимизни мамнун қилмоқда.

Аҳоли дастурхонига азиз неъмат ҳисобланган нон ва нон маҳсулотларини «Tuztopon» хусусий корхонаси асосан фирмали дўконлари орқали етказиб беради.

— Инвестиция дастурига кўра жорий йилда корхонамиз жойлашган биргина Шайхонтоҳур туманида 15 миллион АҚШ долларига тенг 11 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган, — дейди корхона директори Миразиз Одилов. — Корхонамиз миқёсида йил охиригача 441,2 минг долларга тенг маблағ ишлаб чиқаришни модернизация қилишга сарфланади. Эътиборли томони, нисбатан барқарор ва бозор шароитлари ўзгаришларига тез мослашадиган, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик ва хусусий бизнес ривожини муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада барча имкониятлардан тўлиқ ва оқилона фойдаланган ҳолда йил охиригача 20 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Мазкур корхона «Уздонмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси ва «Фаллаалтек» акциядорлик жамияти билан узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Турли парhez нонлар, булочкалар тайёрланадиган электр ускуналари энергия тежамкорлиги бобида энг сўнгги русумдаги технология ҳисобланади.

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Ишлаб чиқаришни техник ва технология қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ишларига қаратилган эътибор туйғайли йилдан йилга рақобатбардош маҳсулотлар турлари кўпайиб бормоқда.

«Metal Gaz» масъулияти чекланган жамиятининг фаолият кўрсатаётганига саккиз йилдан ошди. Бу ерда саноатда фойдаланиладиган саккиз турдаги газ тақсимлагичлари «Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик компанияси буюртмаси асосида ишлаб чиқарилади. Корхонада асосий эътиборни маҳсулотнинг сифатига қаратган ҳолда йигирмадан зиёд малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йилда 594 миллион сўмлик ускуналар ишлаб чиқилган бўлиб, 107 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди.

— Корхона истикболини ўйлаб иш юритишни бозор иқтисодиёти талаблари тақозо этмоқда, — дейди жамият раҳбари Абдувоҳид Абдушуқуров. — Газ жиҳозларидан ташқари, металл қайта ишлаш ва пайвандлаш каби хизмат турларини ҳам тажрибали ишчиларимиз амалга оширмоқда. Бу билан тўхтаб қолиш ниятимиз йўқ, албатта. Янги лойиҳалар асосида имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўрта ҳисобда 20 фоизга кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Жамоат бирлашмаларида

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугун шунини мамнуният билан қайд этиш керакки, аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, интеллектуал салоҳияти юксалди. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беряпти.

2005 йилда ўз фаолиятини бошлаган Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмасини ҳам истиқлол меваси, десак асло хато бўлмайди. У бугунги кунда ўз сафига пойтахтимизда фаолият олиб борувчи 700 дан зиёд юридик ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган тадбиркор ва ишбилармон аёлларни бирлаштирган. Бирлашманинг асосий мақсади ишбилармон ва тадбиркорларнинг муштарак манфаатларини химоя қилиш, ҳамкорлар ишлашга ёрдам бериш, бизнесни ривожлантириш ва тажриба алмаштиришга имкониятлар яратиш, аъзоларнинг малака ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш бўлиб, бунинг учун мунтазам равишда ўқув машғулотлари, замонавий услубдаги семинар-тренинглари ташкил этилмоқда. Шунингдек, аёлларни тадбиркорликка йўналтириш, маҳалларда касаначиликни ривожлантириш, хотин-қизлар учун ишчи ўринларини яратиш ҳам устувор вазифа.

Бирлашмада ўз иқтидорини намоён этиш истагини билдирган аёлларни турли тадбиркорлик соҳаларига йўналтириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилган. Жумладан, ҳар ойли мунтазам равишда «Тадбиркорлик асослари» ва «Иқтисодиёт сабоқлари» мавзуларида семинарлар ўтказилди. Бирлашма томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия тадбирлари

ташкил этиляпти. Бозордаги талаб ва таклифни ўрганиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш мақсадида йил давомида тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рекламасини уюштириш, ташқи бозорга олиб чиқиш, ҳамкорлар ишлашда ёрдам бериш учун кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Саъй-ҳаракатлар натижасида «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридagi Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига тақдим этган «Кам таъминланган оилаларда яшовчи аёллар ва қизлар учун бепул ўқув курсларини ташкил қилиш ва ишга жойлаштириш» мавзусидаги лойиҳаси ғолиб топилиб, уни амалга ошириш учун 7 миллион сўм маблағ ажратилди. Лойиҳада ташкил этиладиган ўқув курсларида қизлар ва аёлларга оилага тааллуқли бой ва сөрмәзмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, оила ва никоҳ муқаддаслигини уларнинг онгига чуқур сингдириш йўли билан оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, касб-хунар ўрганиш, санитария ва гигиенага риоя қилиш асосларини ўргатиш кўзда тутилган.

— Биз истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, халқаро конференция ва

форумларда ҳам фаол иштирок этиб келаямиз, — дейди бирлашма раиси Насиба Миродилова. — Берлин шаҳрида ўтказилган халқаро аёллар конференциясида, Бельгияда ташкил этилган Европа ишбилармон аёллар жамоат бирлашмасининг халқаро конгрессида қатнашдик. Австрия, Германия, Италия, Йордания ва Мисрда хорижий ишбилармонларнинг фаолиятини яқиндан ўрганиш ва тажриба алмаштириш мақсадида бизнес-семинарлар, Франция ва Хитойда ўтказилган халқаро савдо кўргазмасида, Туркияда халқаро конференцияда аёлларимиз фаол қатнашдик. Хорижий давлатлар ишбилармон аёллари ҳам бирлашмамиз фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюрмоқда.

Бирлашма томонидан шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда «Тадбиркор оила — фаровон оила», «Энг мурувватли тадбиркор аёл», «Энг намунали тадбиркор оила» кўрик-танловлари ўтказиб келинади. Ушбу тадбирларда соғлом турмуш тарзи, оилавий тадбиркорлик, миллий қадриятлар ва урф-одатларимиз тарғиб этилади.

Мамлакатимизда яратилган имкониятлар ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, хотин-қизларнинг юртимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш жамоат бирлашмасининг бугунги кундаги асосий вазифаларидандир.

Равшан ШОДИЕВ

Республикамизда беш мингдан зиёд жамоат ташкилотлари бўлса, улар орасида ўз мақсади ва вазифалари рўйи йўлида етакчилик қилаётганлари деярли санокли. Касаба уюшмалари етакчилар ичида биринчи қаторни эгаллаган десак, муболага бўлмайди.

Бунинг афзаллик томони шундаки, қонун билан кафолатланган ижтимоий манфаатларимиз, яъни меҳнат қилишимиз, дам олиш, соғлиғимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқларимиз ўз-ўзидан эмас, балки айнан касаба уюшмаларининг бевосита иштироки орқали таъминланади. Фаолият тури бўйича касаба уюшмасига муқобил бошқа ташкилот йўқ. Унинг оммавийлиги шу боисдандир.

Деярли ҳар бир меҳнат жамоасида, бугунги кунда ҳаттоки ўқув жамоаларида ҳам ташкилотнинг бошланғич бўғинлари тузилиб, касб йўналиши, фаолият тури бўйича тармоқ кенгашларига бирлашади. Тошкент шаҳрида 5101 та бошланғич бўғин саккизта тармоқ, учта бирлашма ва иккита вакиллик – 13 та ташкилотга бирлашган ҳолда ягона касаба уюшмаси кенгашини ташкил этади.

Айни пайтда 623,2 мингдан зиёд шахримиз фуқаролари касаба уюшмаси аъзосидир. Бу кўрсаткич кўпми ёки кам? Ушбу савол Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг беш йиллик ҳисобот-сўлов конференциясида асосий нукта сифатида муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида деярли 21 минг киши уюшма сафига қўшилган. Асосий эътибор меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлигини таъминлаш, ишчи-ҳодимларнинг ишлаш шaroитларини яхшилаш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлашга қаратиб келинмоқда. Ушбу йўналишда самарадорликка эришиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида 2005-2010 йилларга мўлжалланган иккита келишув имзоланган. Ижтимоий ҳамкорлик таъминлини ўзида мужассам этган ушбу ҳужжатга асосан томонлар пойтахт ижтимоий дастурларини амалга ошириш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш, касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг ташаббускорлигини кўллаб-қувватлаш, иш унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан мажбуриятлар олишган. Бу борада эришилган натижалар ҳар йили томонларнинг кўшма мажлисларида муҳокама қилиб келинади.

Меҳнат аҳлининг ойлик маошларини вақтида тўлаш масаласи ҳам касаба уюшмалари томонидан назоратга олинган. Муддати ўтган қарздорликни бар-тараф этиш бўйича шаҳар ҳокимлиги кўмаги билан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган беш йил давомида иш берувчиларга киритилган 261 та талабнома орқали ишчи-ҳодимларнинг манфаати таъминланишига, яъни 15,2 миллиард сўмлик иш ҳақидан қарздорлик қопланишига эришилди. Ушбу масала касаба уюшмалари томонидан 17 марта раёсат йиғилишлари, 74 марта уюшма йиғилишлари кун тартибиде муҳокама қилинган. Бу борада изчилликка эришиш мақсадида кенгаш ҳамда Марказий банкнинг шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда кўшма қарор қабул қилинган ҳам эътиборлидир.

Фуқароларнинг уюшмага мурожаатлари мунтазам таҳлил этилиб, тегишли амалий чоралар кўрилади. Ҳисобот даврида 3081 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар бўлган. 14 та ҳолатда ҳодимлар билан меҳнат шартномасининг ноконуний равишда бекор қилинганлиги аниқланиб, адолат қарор топишига эришилган. Тармоқ ташкилотларининг сазй-ҳаракати билан ҳам ноконуний бўшатишга 36 та фуқаро аввалги вазифаларига қайта тикланган.

Жамоа шартномаси — иш берувчи билан ҳодимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбий муносабатларни тартибга солишчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади ва ижтимоий шерикчилик асосида қабул қилинади. 2005 йилда бирлашма кенгаши тасарруфидеги меҳнат жамоаларида 2965 та шундай шартнома қабул қилинган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 3234 тани ташкил этди. Жамоа шартномалари орқали 373,7 минг ишчи-ҳодимнинг ижтимоий манфаати қамраб олинishi эришилди. Икки томонлама шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар асосида ҳар бир ҳодимга сарфланадиган моддий ёрдам кўрсаткичлари беш йил ичида 83 фоизга кўпайиб, ўрта ҳисобда 445 минг сўмни ташкил этди.

Ҳар йилнинг мавзусига оид қабул қилинаётган давлат дастурларига кўшимча имтиёз ва кафолатлар киритиш учун касаба уюшмалари томонидан ҳужжалик субъектларига тегишли тавсиялар ва таклифлар киритилган. Жамоа шартномалари орқали давлат дастурларини амалга ошириш борасида 17,3 мингга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига қорхоналар ва касаба уюшмалари маблағ-

лари ҳисобидан 169 миллион сўмдан зиёд хомийлик ёрдами, 41,7 мингдан ортиқ ишчи-ҳодимларга 1,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Бевосита қорхоналар томонидан мингга яқин талабнинг 352,4 миллион сўмга тенг шартнома тўловлари қоплаб берилган.

Касаба уюшмалари томонидан бугунги кунда кўплаб маданий-маърифий ва спорт тадбирлари уюштириб келинмоқда. «Соғ танда соғлом ақл», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шiorлари остида спорт байрамлари мунтазам

леж ва лицей ўқувчилари — махсус овринларга сазовор бўлган. Ёшларнинг бевосита ташаббуси билан 4,6 мингга яқин маданий-маърифий тадбирлар ўтказилган. Бундан ташқари, ўнга яқин кенгаш аъзолари касаба уюшмалари ҳаракатига қўшган алоҳида ҳиссаси учун Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг «Эхтиром» нишони ва фахрий ёриғи билан тақдирланган.

Касаба уюшмаси кенгашининг ҳамда фаол ижтимоий шерик ҳисобланган шаҳар ҳокимлигининг кўмаги остида ўқув-



КАСАБА УЮШМАЛАРИ: БЕШ ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ



ўтказилади. Ўз навбатида, бу борадаги шарафли анъаналарни давом эттирган ҳолда спортчиларнинг профессионал маҳоратини оширишга ҳам катта эътибор қаратилади. Шаҳар касаба уюшмалари кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидеги 49 нафар спортчи нуфузли халқаро мусобақаларда биринчи бешликдан ўрин эгаллаган. Гўзал Хўббиева, Замира Амирова, Валерия Канатова, Алёна Сомова, Рушана Бекмуродова, Шерали Жўраев каби ўнлаб спортчиларимиз турли республика, халқаро, қитъа, жаҳон турнирлари ҳамда Олимпиадалар совриндорларидир. Ҳисобот даврида 4,5 мингдан зиёд разрядли спортчилар, 75 нафар спорт устаси, 400 га яқин спорт усталлигига номзод, 33 та халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрланган. Жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клублари 21 тага кўпайиб, айни пайтда 203 тани ташкил этади. Спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида деярли 81 минг киши шуғулланиб келмоқда (ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич 20 мингга кўпайган).

Касаба уюшмалари меҳнат жамоаларида ижодий ҳаваскорлик ҳаракатини тиклаш ва янада ривожлантириш ташаббусини илгарчи суриб келмоқда. 2007 йилдан бошлаб «Энг яхши ҳаваскор бадий жамоа» танлови ўтказилаётган бўлса, бугунги кунда бешта жамоа «Халқ ҳаваскорлик жамоаси», 15 та «Намунали бадий жамоа», иккита жамоа — «Халқ ҳаваскорлик студияси» номига сазовор бўлган. Ушбу жамоалар бугунги кунда кўплаб санъат фестивалларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Бирлашма кенгаши томонидан иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ўқув жамоасининг ижтимоий ҳаётига кенг жалб этиш мақсадида давлат стипендия ҳамда совринлар таъсис этилган. Кейинги йиллар ичида 15 нафар талаба касаба уюшмалари стипендиясига, 70 нафар кол-

чиларнинг таътил пайтида мазмунли дам олиши таъминлаб келинмоқда. Ўтган беш йил давомида 213 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасидан 10,2 мингдан зиёд ўғил-қизлар, 3,7 мингдан кўп Меҳрибонлик уйлари, 1,6 минг нафар спорт мактаблари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг 2,2 мингга яқин фарзанди пойтахтимиз ташқарисидеги энг сўлим оромгоҳларда дам олиб, соғлиғи мустаҳкамланди.

Пойтахт мактаблари қошидаги оромгоҳларда 54,8 мингга яқин ўқувчи мароқли хордиқ чиқарган. Бундан ташқари, 31,7 минг болажоннинг бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил этиш мақсадида театрларга ташрифи уюштирилиб, бу тадбирларга уюшма бюджетидан 35,8 миллион сўм сарфланди. Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан 64,8 мингдан зиёд меҳнат жамоалари аъзолари сихатгоҳларда соғлигини мустаҳкамлаб, дам олишга муваффақ бўлган.

Конференцияда ижобий кўрсаткичлар қаторида касаба уюшмалари ишида ечимини кутаётган бир қатор масалалар ва муаммолар устида ҳам тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, уларнинг ечимини асосан жамоат ва давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга, шунингдек ҳўжалик субъектлари билан ижтимоий шерикчилик келишувига эришилиб ҳал этиш мумкин.

Ушбу йўналишда энг долзарб масалалардан бири — бу нодавлат секториде касаба уюшмалари бошланғич бўғинларини ташкил этишдир. Бу борада бирлашма кенгашининг шаҳар ҳокимлиги билан ўзаро келишувига асосан қорхона ва ташкилотларда мулкчилик шаклидан қатъи назар «Энг яхши касаба уюшма ташкилоти» кўриктанловини ўтказиш режалаштирилмоқда. Кенгаш қошида ташкил этилган нодавлат сектори билан иш олиб бору-

чи мониторинг гуруҳи сазй-ҳаракатлари билан кейинги уч йил ичида 420 га яқин бошланғич ташкилот тузилиб, улар ҳисобига 17,6 минг меҳнат аҳли уюшма аъзолигига қабул қилинди. Конференцияда хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхона-ташкiлотларда ҳам касаба уюшма тизимини кенг жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги кайд этилди. Бу борада тегишли тармоқ уюшмалари фуқароларга мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир иш берувчи меҳнат қилувчиларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва кафолатларини тўлиқ таъминлаш лозимлиги юзасидан тушунтириш ишларини фаоллаштириши даркорлиги уқтирилди. Бугунги кунда нодавлат секториде юзлаб-минглаб киши меҳнат қилади, пойтахтимизнинг ўзида қанчадан-қанча кўшма қорхоналар фаолият юритидади. Бу ердаги ижтимоий шароитлар ҳар доим ҳам талабларга жавоб бермайди. Жамоа иш берувчига қарам бўлиб қолаётган, меҳнат хавфсизлиги назардан четга қолаётган ҳолатлар ҳам учраётдики, бунда икки томоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатловчи, шунингдек мажбуриятларини белгилувчи шартномага эришилмаган.

Бу борада «Нуроний», «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари, «Камолот» ЕИҲ, хотин-қизлар кўмитаси, савдо-саноат палатаси каби жамоат ташкилотлари қаторида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ободонлаштириш, Халқ таълими, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бош бошқармаси ва бошқармалари билан тузилган ижтимоий шерикчилик шартномалари ҳам йўлга қўйилганлиги тегишли равишда ўз самарасини албатта беради.

Бироқ ушбу масалада асосий ургуни, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова таъкидлаб ўтганидек, бошланғич ташкилотларга бериш лозим. Жойларда бошланғич ташкилотлар тизими жорий этилса, касаба уюшмалари ташкилоти «ичкаридаги» вазиятдан, демаски, муаммолардан ҳам бохабар бўлади. Ўз навбатида, меҳнат жамоаларида жамоатчилик назорати кучайтирилса, меҳнат аҳлининг қонуний ҳақ-ҳуқуқи таъминланишига оид барча масалалар ечим топишга эришилади.

Умуман олганда, касаба уюшмаларига қамров масаласи ҳам айрим соҳа ва тармоқлар бўйича долзарб бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда пойтахтдаги юридик субъектларнинг 60 фоизи ўз бошланғич бўғинига эга. Бу эса авваллабор меҳнат жамоаларида ижтимоий ҳимоя масаласи устуворлигидан далолат беради.

Конференцияда уюшма бадалларини тўғри тақсимлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Кўрсатиб ўтилганидек, фақат маданий тадбирлар уюштириш билан чекланмасдан, асосий маблағларни манзилли сарфлашга эришиш лозим. Мониторинг натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, айрим бошланғич ташкилотларда асосий харажатлар айнан маданий тадбирлар билан боғлиқ бўлаётди. Беш йил ичида маданий-оммавий тадбирларга 15,7 миллиард сўм сарфланган (умумий харажатларнинг 38,4 фоизини ташкил этади).

Конференцияда сўзга чиққан Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутати Полянте Свешников касаба уюшмаларининг фуқароларни соғломлаштириш борасидаги имкониятлари кенгайиб бораётганлиги, сихатгоҳларнинг моддий-техник негизи яхшиланиши дам олувчиларнинг сони кўпайишига асос бўлаётганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, шаҳардан ташқаридаги сўлим гўшаларга қисқа муддатли — икки-уч кунлик имтиёзли йўлнамалар жорий этиш таклифи киритилиб, бунинг пироварди иш унумдорлигини оширишга хизмат қилиши ҳам эътироф этилди.

Ўзбекистон Миллий университетети журналистика факультети талабаси Сабоҳат Дўсанова ва спорт устаси Луиза Ҳасановалар эҳтиёманд оилалар фарзандлари бўлиши талабалар ва спорт мактабларининг иқтидорли ёшлари учун махсус стипендия таъсис этиш лозимлиги хусусида фикр билдиришди.

«Шарқ» НМАК касаба уюшмаси кўмитаси раиси Фуломжон Ҳакимов конференция иштирокчиларининг эътиборини соҳа кадрларини етиштириш лозимлиги, бу борада захирани шакллантириб бориш масаласига қаратди. Касаба уюшмаларида янги фаолият бошлаётганларнинг кўпчилигига айниқса ҳўжатларни расмийлаштиришда тажриба етишмаслиги, шу боис ўқув семинарлари ўтказиш учун тизим ишлаб чиқилиши муҳимлиги айтиб ўтилди. Таъкидланганидек, меҳнат жамоаларининг фаровонлиги касаба уюшмалари аъзоларининг маалакасига ҳам бевосита боғлиқдир.

Конференцияда билдирилган танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар инобатга олингани ҳолда келгуси беш йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган биринчи галдаги вазифалар белгилаб олинди. Ҳисобот конференцияси таомилга бинван кўпчилик овоз билан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси этиб Нурилла Насимов сайланди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

«Камолот»

МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Кексаларга эхтиром» тадбирлари ўтказилмоқда.

«Камолот» ЕИҲ Юнусобод тумани бўлими томонидан ёшларда катта авлод вакилларига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини ошириш, халқимизнинг бебаҳо маънавий меросидан ёш авлодни баҳраманд этиш, ота-боболаримизнинг эзгу ниятларини фарзандлар қалбига синдириш, ёшларни саховат ишларига жалб этиш, кексаларни кўнгилни кўтариш, моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш мақсадида камолотчилар томонидан ёлғиз қариялар, жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳолидан хабар олиниб, уй юмушларида, зарурий дори-дармонларни етказиб беришда беминнат хизмат кўрсатилаётди.

Айтиб ўтиш жоизки, ҳафтанинг ҳар жума кuni ҳаракат томонидан «Кексаларга эхтиром» кuni деб эълон қилинган.

Мухайё Тўлаганова

ЮЛДУЗЛАР ТАШРИФИ

Ҳамза туманидаги Бобур номли маҳаллада «Юлдузлар ташрифи» тадбири бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбир ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишга бағишланди. Унда ёш хонандалар, созандалар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, маҳалла аҳли, ёшлар ва болажонлар иштирок этди.

Айни кунларда энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Байрам тадбирлари доирасида болажонлар иштирокида турли спорт мусобақалари ҳам ташкил этилаётгани эътиборлидир.

Айтиш жоизки, фарзандларимиз маънавиятини оқсалтириш, бўш вақтини сермазмун ташкил этиш, ўқиш жараёнида олган билимларини янада мустаҳкамлашда тўғарақлар, саёҳатлар, спорт тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ўз қизқиши бўйича касб танлаши ва келажакда етук мутахассис бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Тадбирда ҳаракат фаоллари томонидан уч юздан кўп болажон иштирокида қизиқарли ўйинлар, мусобақалар, викторина савол-жавоблари ўтказилди. Фолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёриқлари ва эсдалик совгалари топширилди.

«Туркистон-пресс»


Республика кўп тармоқли Агросоанот биржаси Тошкент филиали সিға шуни маълум қилади.

Тузатиш: 2010 йил 24 июлдаги № 58-сон «Тошкент ҳақиқати» ва 2010 йил 26 июлдаги № 143-сон «Тошкент оқшоми» газеталарида эълонга берилган 2010 йил 26 август кuni аукцион савдосига қўйилган Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Ниёзбоши кўчасида жойлашган 1974 йилда қурилган, майдони 992,24 кв.м бўлган таъмирлаш цехи биноси, 2. 28.03.2008 йилдаги № 11-0824/1102-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Ниёзбоши кўчасида жойлашган 1974 йилда қурилган, майдони 150,87 кв.м бўлган омборхона биноси **сўзлари ўрнига** Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар Ниёзбоши кўчасида жойлашган 1974 йилда қурилган, майдони 992,24 кв.м бўлган таъмирлаш цехи биноси, 2.Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Ниёзбоши кўчасида жойлашган 1974 йилда қурилган, майдони 150,87 кв.м бўлган омборхона биноси **сўзлари деб ўқилсин.**

Мурожаат учун телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003

В.И. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг фахрий профессори, лицей ўқитувчиси

Тамара Афанасевна ПОВОИНИЧ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.



Маҳалла куни

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НАМОЙИШИ

Кейинги йилларда Ватан ичра кичик бир Ватан бўлмиш маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, маданий манфаатларини таъминлашдаги роли янада ошиб, тизим фаоллари зиммасидаги вазифалар кўлами ҳам кенгайиб бораётгани яхши маълум.

келяётган ташкилотлар «Маҳалла» жамғармасининг махсус совринларини қўлга киритди.

Тадбир давомида эстрада хонандалари ижросида янграган дилрабо куй ва кўшиқлар кўнгилларга бир олам хушнудлик бағишлади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида уюштирилган «Маҳалла куни»да Чилонзор туманидаги 49 та маҳалла оқсоқоллари, оилаларда тинчлик-тотувликка ҳисса қўйиб келяётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳаллаларнинг фахри ғурури бўлган отахон-онахонлар иштирок этди.

Тадбирда «Энг намунали маҳалла», «Энг обод маҳалла» каби бир қатор номинациялардан ташқари, 25, 50

ва 60 йил бирга яшаб келяётган ибратли оилаларнинг «Эъзоз кечаси» ҳамда «Мустақиллик тенгдошлари — келажакнинг йўлдошлари» мавзусида кўрик-танлов ҳам ўтказилди.

Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорлар туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ ва «Маҳалла» жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мехнат қадрлаб, кўнгил хушнуд этилган ушбу давра барчада унутилмас таассурот қолдирди.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Шайхонтохур тумани «Маҳалла куни» тадбиридан лавҳалар

Козим Ўлмасов олган суратлар.

Шундан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларни янада ривожлантириш, ютуқ ва муаммоларини ўрганиш, хайрли ишларни омаллаштириш, ўзаро таъриба алмашуви имконият яратиш, фаолларни рағбатлантириш мақсадида жойларда ҳар йили анъанавий тарзда «Маҳалла куни» тадбири ўтказилади.

Куни кеча мана шундай тадбирлардан бири Шайхонтохур туманида бўлиб ўтди. Эрта тонгдан туман маҳалла фаоллари, тадбиркор ва хунармандлар, табаррук отахон-онахонлар, ёшлар, кўпгаб меҳмонлар «Маҳалла куни»ни шодоналик билан нишонлаш учун Ўзбек Миллий академик драма театрига ташриф буюришди.

Тадбир қасаначиликни йўлга қўйган маҳаллалар томонидан тайёрланган кўргазма билан бошланди. Уй шароитида меҳнат билан машғул бўлаётган аёллар ўзининг тикувчилик, попопчилик, зардўзлик, қандолатчилик ва дизайнлик соҳаларидаги ижод намуналарини намоийш этди.

«Маҳалла ободлиги — юрт ободлиги» ва «Ватан маҳалладан бошланади» шiorларни остида ўтган ушбу тадбирда энг обод ва энг ораста маҳаллалар, узок йиллар маҳаллага бош бўлиб, барчага ибрат кўрсатиб келяётган оқсоқоллар, куйинчак маслаҳатчилар, фидойи посбону сардорлар номлари алоҳида тилга олинди. Турли номинациялар ғолиб-

лари аниқланди ва муносиб тақдирланди. «Энг намунали маҳалла» йўналиши бўйича «Белтепа», «Обиназир», «Кўкча» ва «Жарарик» маҳаллалари совриндор деб топилди. «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» номига «Новза», «Чўпонота», «Илғор», «Тинчлик», «Самарқанд дарвоза», «Хувайдо» ва «Чақар» маҳаллалари фуқаролар йиғини раислари сазовор бўлди. Улар туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. «Энг намунали хотин-қизлар комиссияси раиси», «Энг намунали участка ноизи» каби номинацияларга лойиқ деб топилган фаоллар, шунингдек кўп йиллар давомида маҳалла билан яқин ҳамкорлик қилиб

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агросоноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 26.08.2010 йилдаги № 10698-сон ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, «Эски Жува» деҳқон бозори ҳудудида жойлашган Довронбек Довлатбекович Жалиловга тегишли бўлган майдони 293,42 кв.м дан иборат бўлган савдо дўкони биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 165 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 04.06.2010 йилдаги № 6645/5-сон ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар Миробод тумани, Нукус кўчаси 3-ўйда жойлашган «SALON ROZA» хусусий фирмасига тегишли бўлган майдони 136,0 кв.м дан иборат бўлган дорихона биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 210 255 000 сўм.

Аукцион савдосига Куйичирик тумани СИБ томонидан 2010 йил 24 июндаги № 8700,8701,8702,8703-сон ижро ҳужжатларига асосан Тошкент тумани Куйичирик тумани МЧЖ «Галаба Авто Тулпор» корхонасида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	Мол-мулк тури	бошланғич нархи (сўм)
1	Автобус Мидибус 24.9 давлат рақами 11 AJ 905 бўлган 2002 йилда и/ч.	22 763 702
2	Автобус Мидибус 23.9 давлат рақами 10-102 BAA бўлган 2001 йилда и/ч.	23 443 402
3	Автобус Мидибус 24.9 давлат рақами 11 AJ 911 бўлган 2002 йилда и/ч.	20 234 402
4	Автобус Мидибус 23.9 давлат рақами 10 299 AAA бўлган 2001 йилда и/ч.	20 838 414
5	Автобус Мидибус 24.9 давлат рақами 11 AJ 907 бўлган 2002 йилда и/ч.	17 705 102
6	Автобус Мидибус 24.9 давлат рақами 10-228 AAA бўлган 2001 йилда и/ч.	17 705 102
7	Автобус Мидибус 24.9 давлат рақами 11 AJ 913 бўлган 2002 йилда и/ч.	22 763 702
8	Автобус Мидибус 24.9 давлат рақами 11 AJ 900 бўлган 2002 йилда и/ч.	22 257 842
9	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 044 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
10	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 040 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
11	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 062 бўлган 2007 йилда и/ч.	42 998 104
12	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 062 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
13	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 041 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
14	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 042 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
15	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 045 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
16	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 043 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
17	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 039 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
18	Автобус ISUZU Мидибус SAZ NP-37 давлат рақами 11 AY 061 бўлган 2007 йилда и/ч.	45 527 405
19	«ЭСПЕРО» русумли енгил автоулов давлат рақами 11 AJ 343 1997 йилда и/ч.	10 628 552

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 14 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари тақрири савдолари 2010 йилнинг 30 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Такроран Миробод тумани СИБ томонидан куйидаги мулклар қўйилмоқда.

Тошкент ш. ИИББ Ахборот маркази далилий ашё сақлаш омборида сақланаётган: 1. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 18.09.2009 йилдаги «ЕРА3-76201» русумли, д/р 10M746AA бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 870 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 03.10.2007 йилдаги ижро ҳужжати асосан «Алкан-13» русумли, д/р 19A722 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 780 000 сўм. 3. ЖИБ Чилонзор тумани судининг 23.05.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «BA3-21011» русумли, д/р 10S7565 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм. 4. ЖИБ Учтепа тумани судининг 26.08.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «BA3-2101» русумли, д/р 30E6146 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 765 000 сўм. 5. ЖИБ Ҳамза тумани судининг 16.07.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «БМВ-520 1» русумли, д/р 30C9322 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 300 000 сўм. 6. ЖИБ Учтепа тумани судининг 27.07.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «BA3-21063» русумли, д/р 10V1164 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 633 000 сўм. 7. ЖИБ Миробод тумани судининг 17.08.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «БМВ» русумли, д/р 10C0947 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 500 000 сўм. 8. ЖИБ Учтепа тумани судининг 03.10.2008 йилдаги ижро ҳужжати асосан «Москва-412» русумли, д/р 30T9917 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 296 000 сўм. 9. ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 21.05.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «BA3-21099» русумли, д/р 11L8805 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 470 000 сўм.

Тошкент ш. Божхона бошқармаси 11-масканида сақланаётган: 10. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 16.06.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «БМВ-525» русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 960 000 сўм. 11. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 07.05.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «Джип Ленд Ровер» русумли, д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 34 572 000 сўм. 12. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги ижро ҳужжати асосан «МОА3-546-П» русумли, д/р 55-99EP бўлган, 1985 йилда и/ч, Тошкент ш. «Ўзтемирйўлмаштаъмир»да сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 736 000 сўм. 13. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 17.11.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан «Нексия» русумли, д/р 10F3915 бўлган, и/ч йили номаълум, Тошкент ш. Божхона бошқармаси «Файзобод божхона» омборида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 040 000 сўм. 14. ЖИБ Сергели тумани судининг 23.12.2008 йилдаги ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар 1-сонли автоташмирлаш заводида жойлашган, Р.Х.Мирзахмедовага тегишли бўлган 12 номдаги терини қайта ишловчи машина ва ускуналар. Бошланғич баҳоси — 3 375 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 31 август куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мол-мулклар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Ҳеч кишига қилма қатиг
гуфтигўй,
Барчага бўл гул киби
сен тозарўй.

Кимдаки бор заррайи
кибру нифок,
Бўлганидин бўлмагани
яхшироқ.

Ҳосил этақўр ўзунга яхши от
Борни бериб, асрагучи
яхши от.

Сидқу таваккул ила бўл
ҳамнафас,
Ҳамнафасинг сидқ агар
бўлса бас.

Тилсиз оғиз душманидур
бу бўғуз,
Анинг учун айдилар они бўғ, уз!

Қисмати кимки,
ризоманд эмас,
Ер юзини берса-да,
хурсанд эмас.

Кимки, йиғар дунёсида
ганжу мол,
Қолмас анинг охирида
жуз вубол.

Эрга керак ҳиммату
қушга қанот.

Ҳожат эмас қилсанг
ани имтиҳон,
Кимдаки йўқ лутфу
карамдин нишон.

Ҳар кишининг ҳиммати
олий бўлур,
Ҳар наки иш десанг,
элиндин келур.

Сандин агар тегмаса
элга карам,
Ушбу етар тортмаса
дарду алам.

(«Маҳобҳорат» достонидан)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ЦИРК 28 ЦИРК
АВГУСТДА
ЯНГИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

Манежда Мустақиллик байрамини нишонлашга бағишланган катта ранг-баранг дастур

Касса.
Тел: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23. www.Sirk.uz



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2765 муқоф баҳасида.
Қўроқ Бетимат А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1 2 3 5